

**“INVEST FINANCE BANK” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИНING  
111-СОНЛИ БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА**

Тошкент шаҳри,  
Т. Шевченко кўчаси, 1

2025 йил «06» ноябрь, соат 15:00

**Қатнашдилар**

- |                                      |                       |
|--------------------------------------|-----------------------|
| 1. Бурханов Бобир Нодирхонович       | Кузатув кенгаш раиси  |
| 2. Абдуллаев Зиқирилло Сағдуллаевич  | Кузатув кенгаш аъзоси |
| 3. Мирзарахимов Шухрат Бахрамжонович | Кузатув кенгаш аъзоси |
| 4. Исхакова Фируза Саидэхсоновна     | Кузатув кенгаш аъзоси |
| 5. Бакиров Отабек Орифович           | Кузатув кенгаш аъзоси |
| Рахматуллаева Лола Уткировна         | Кузатув кенгаш котиби |

Йиғилиш кворуми – 100 %дан иборат. Йиғилиш ҳуқуқий кучга эга.

Йиғилишга раислик қилувчи Б.Н. Бурханов йиғилишни очиқ деб эълон қилди ва кун тартибига киритилган масалалар муҳокамасига ўтишни таклиф қилди.

**КУН ТАРТИБИ:**

**2. “InFinBank” АЖ Бош бухгалтерини лавозимдан озод этиш масаласини қўриб чиқиш тўғрисида.**

**2-масала.** Кун тартибидаги ушбу масала бўйича Кузатув кенгаши аъзоси/ Қўмита раиси Ф.С. Исхакова сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчилрини Банк Бошқаруви раисининг 06.11.2025 йилдаги мурожаати, Бош бухгалтернинг 03.11.2025 йилдаги тарафларнинг келишувига кўра меҳнат шартномасини 07.11.2025 йилдан бекор қилиш тўғрисида аризаси билан ва ушбу масалалар бўйича Қўмита томонидан Кузатув кенгашига тақдим этилган тавсиялар (иловада) билан таништириб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 157-моддасига кўра номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси, шунингдек муддатли меҳнат шартномаси исталган вақтда тарафларнинг келишувига кўра бекор қилиниши мумкин. Меҳнат шартномаси мазкур асос бўйича бекор қилинадиган сана ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Шунингдек, Банк бошқаруви раиси О.Л. Нуманова Банкнинг Бош бухгалтери Д.Н. Аллаёрова билан меҳнат шартномасини бекор қилиш мунасобати билан, Бош бухгалтер вазифаларини бажаришни Сахабиддинова Акида Абубакировнага юклаш бўйича Банк кузатув кенгашига мурожаат этди.

Сахабиддинова Акида Абубакировна, 2002 йилдан бери бухгалтерия йўналишида ишлаб келишини ва катта тажрибага эга эканлиги, “InFinBank” АЖдаги меҳнат фаолиятини бухгалтерия йўналишида 2010 йилдан бошлаганлиги, 14 йилдан ортиқ ишлаб келишини, хозирги кунда Банк Амалиёт бошқармасида бош бухгалтери лавозимини эғалаб тургани ҳақида айтиб ўтилди.

“Invest Finance Bank” Акциядорлик жамияти Устави 12.3. бандининг “р” кичик бандига асосан Банк бошқарув азоларини, муҳим аҳамиятга эга ходимларни тайинлаш, лавозимдан озод этиш шунингдек улар фаолиятини баҳолаш ва уларни рағбатлантириш миқдорини белгилаш, Банк Кузатув кенгаши ваколатига кириши белгиланган.

Шу жумладан, Банк Бошқаруви тўғрисида Низомига мувофиқ Банк Бошқарувининг миқдорий ва шахсий таркиби, шунингдек, кворум Банк Кузатув кенгаши томонидан белгиланишини қайд этилди. Шунингдек, Банк Бошқарувининг кворумини таъминлаш мақсадида амалдаги таркибни қайта тасдиқлаш зарурияти мавжудлиги таъкидланди.

Уқоридагиларни ва Қўмитанинг тавсияларини ҳисобга инобатга олган ҳолда, Раислик қилувчи кун тартибига қўйилган масала бўйича овоз беришни ҳамда овоз бериш натижаларига кўра тегишли қарор қабул қилишни таклиф қилди.

### **Овозга қўйилган масалалар:**

2.1. “InFinBank” АЖ Бош бухгалтер/Бошқарув аъзоси Аллаёрова Дилрабо Нормаматовнани 07.11.2025 йилдан лавозимдан озод этиш, “InFinBank” АЖ бошқарувида аъзолигини тугатиш.

2.2. “InFinBank” АЖ Бошқаруви зиммасига мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир кун ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2020 йил 30 июнда 3252-сон билан рўйхатга олинган “Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низомига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкини ёзма равишда хабардор қилишни юклаш.

2.3. Саҳабиддинова Акида Абубакировнани “InFinBank” АЖ Бош бухгалтер лавозимига тайинлаш, Саҳабиддинова Акида Абубакировна номзоди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб олингандан сўнг, Бош бухгалтер лавозимида мажбуриятларини бажаришга киришни белгилаш.

2.4. Саҳабиддинова Акида Абубакировна номзоди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб олинганга қадар, Бош бухгалтернинг вақтинчалик вазифаларини бажарувчи этиб тайинлаш.

2.5. “InFinBank” Бошқаруви зиммасига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2020 йил 30 июнда 3252-сон билан рўйхатга олинган “Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низомнинг Банкнинг бошқаруви азоларини, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимларини баҳолаш шартлари ва келишиб олиш тартибига асосан, ходимлар лавозимига киришишидан олдин Ўзбекистон Республикаси Марказий банк билан келишиб олиниши мақсадида, ушбу номзодни келишиб олиш учун тақдим этиладиган хужжатлар тўплами белгиланган тартибда, тўлиқ равишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка тақдим этишни юклаш.

2.6. “InFinBank” АЖ Бошқаруви зиммасига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни 5 иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Марказий банк билан келишиб олинган номзоднинг ўз мажбуриятларини бажаришга киришганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиш.

2.7. “InFinBank” АЖ Бошқаруви 08.11.2025 йилдан 6 (олти) нафар аъзодан иборат бўлиб ва қуйидаги таркибда тасдиқлаш:

1. Нуманова Ольга Леонидовна – Бошқарув раиси;
2. Джураев Бахтиёржон Самадович – Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари;
3. Каримов Руслан Анварович - Бошқарув раисининг ўринбосари;
4. Салимов Пулат Тимурович – Бошқарув раисининг ўринбосари;
5. Фролова Алеся Михайловна – Бошқарув раисининг ўринбосари;
6. Худайбердиев Бобир Искандарович – Ички назорат департаменти директори.

**Овоз бериш натижалари:**

“ёклайман” – 5 овоз, “норозиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

Натижалар бўйича Раислик қилувчи, кун тартибидаги мазкур масала бўйича бир овоздан маъқулланганлигини эълон қилди.

**Кун тартибидаги масала бўйича қабул қилинган қарор:**

2.1. “InFinBank” АЖ Бош бухгалтер/Бошқарув аъзоси Аллаёрова Дилрабо Нормаматовнани 07.11.2025 йилдан лавозимидан озод этилсин, “InFinBank” АЖ бошқарувида аъзолиги тугатилсин.

2.2. “InFinBank” АЖ Бошқаруви зиммасига мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир кун ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2020 йил 30 июнда 3252-сон билан рўйхатга олинган “Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низомига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкини ёзма равишда хабардор қилиш юклансин.

2.3. Сахабиддинова Акида Абубакировна “InFinBank” АЖ Бош бухгалтер лавозимига тайинлансин, Сахабиддинова Акида Абубакировнани номзоди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб олинганидан сўнг, Бош бухгалтер лавозимида мажбуриятларини бажаришга киришсин.

2.4. Сахабиддинова Акида Абубакировна номзоди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб олинганга қадар, Бош бухгалтернинг вақтинчалик вазифаларини бажарувчи этиб тайинлансин.

2.5. “InFinBank” Бошқаруви зиммасига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2020 йил 30 июнда 3252-сон билан рўйхатга олинган “Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низомнинг Банкнинг бошқаруви аъзоларини, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимларини баҳолаш шартлари ва келишиб олиш тартибига асосан, ходимлар лавозимига киришишидан олдин Ўзбекистон Республикаси Марказий банк билан келишиб олиниши мақсадида, ушбу номзодни келишиб олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар тўплами белгиланган тартибда, тўлиқ равишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка тақдим этиш юклансин.

2.6. “InFinBank” АЖ Бошқаруви зиммасига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни 5 иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Марказий банк билан келишиб олинган номзоднинг ўз мажбуриятларини бажаришга киришганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиш юклансин.

2.7. “InFinBank” АЖ Бошқаруви 08.11.2025 йилдан 6 (олти) нафар аъзодан иборат бўлиб ва қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. Нуманова Ольга Леонидовна – Бошқарув раиси;
2. Джураев Бахтиёржон Самадович – Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари;
3. Каримов Руслан Анварович - Бошқарув раисининг ўринбосари;
4. Салимов Пулат Тимурович – Бошқарув раисининг ўринбосари;
5. Фролова Алеся Михайловна – Бошқарув раисининг ўринбосари;
6. Худайбердиев Бобир Искандарович – Ички назорат департаменти директори.

Ушбу билан Кузатув кенгаш йиғилиши ўз ишенини яқунлади ва ёпиқ деб эълон қилинди.

Кузатув кенгаш котиби

Рахматуллаева Лола Уткировна